

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҚҰЛЛАБ ҚҰВВАТАЛАШ

А.Каримова

СамИСИ үқитувчиси

У.Нуриддинова

СамИСИ талабаси

Аннотация: Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик олдида турған эңг асосий мұаммолосынан бири - бу молиявий ресурслар мұаммоси бўлиб ҳисобланади. Мазкур мақолада тадбиркорликни ривожлантиришда республика банклари томонидан кўрсатилган молиявий ёрдамнинг ўрни, ҳамда соҳаларни янада ривожлантириш юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: банк, кредит, иқтисодиёт, кичик бизнес, сервис, инвестиция, хусусий тадбиркорлик, молиявий хизмат, туризм

Аннотация: Одной из основных проблем, стоящих сегодня перед малым бизнесом и частным предпринимательством, является проблема финансовых ресурсов. В данной статье представлены роль финансовой помощи, оказываемой банками в стране для развития предпринимательства, а также предложения по дальнейшему развитию сектора.


Ключевые слова: банковское дело, кредит, экономика, малый бизнес, услуга, инвестиции, частное предпринимательство, финансовые услуги, туризм

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик олдида турған эңг асосий мұаммолосынан бири – бу молиявий ресурслар мұаммосидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий маблағлар билан таъминлаш, уларга имтиёзли фоиз ва муддатларда кредит маблағларини ажратиш тижорат банклари зыммасига юқлатилиди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кумак берувчи зарурий инфратузилма таркибидағи тижорат банклари фаолиятини тақомилластириш, уларда тадбиркорликка кўмак берувчи ёрдамчи молиявий хизмат турларини тадбиқ қилиш, кредитлашнинг содда ва қулай усулинин ташкил этиш бугунги кунда долзарб мұаммолосынан бири бўлиб ҳисобланади. Банк бўш пул маблағларини тўплайдиган ва уларни ўз ишини ривожлантириш учун маблағга муҳтоҷ бўлган хўжалик юритувчи

субъектлар ўртасида қайта тақсимлайдиган молиявий воситачи ролини бажаради.

Мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни бекиёсдир. Хусусан, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши муттасил ошиб бориб, 2020 йил якунлари бўйича 56,9 фоизни ташкил этди.

Бунда кўрсатилаётган молиявий хизматлар, жумладан, ажратилаётган кредитлар ҳажмининг жадал суръатларда ошиши ҳам муҳим омил бўлмоқда. 2022 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 2020 йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёдга ошиб, қарийб 16,8 трлн. сўмни, шундан микрокредитлар ҳажми 1,3 баробарга ортиб, 4,8 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди. (1-расм).



1-расм. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар (млрд.сўм)

Хусусан, оиласи тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 367,2 млрд. сўм, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 1 647,0 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 752,6 млрд. сўм, ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2 993,0 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 362,1 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, АТ «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 437,6 млрд. сўм миқдорида ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробарга кўп микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Бундан ташқари, мазкур даврда “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк”и қошидаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини құллаб-қувватлаш жамғармаси қүмагида қарийб 2,9 млрд. долларлик экспорт шартномалари имзоланиб, улар доирасыда 470 та тадбиркорлик субъекти томонидан 1,4 млрд. долларлик экспорт амалга оширилди.

Жамғарма томонидан жами 3 356 та тадбиркорлик субъектига үз товар ва хизматларини ташқи бозорларга чиқарыш бүйича ҳуқуқий, молиявий ҳамда ташкилий хизматлар күрсатилди.

Кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан 206,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди.

Республика ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига асосан тижорат банклари томонидан 2,0 трлн. сүм ёки 2015 йилга нисбатан 25 фоизга күп миқдорда кредитлар ажратилди.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилған ушбу кредитлар 2021 йилда иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида 200 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этишда муҳим омил бўлди.

Иқтисодиёттинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 2021 йилда 25,1 фоизга ошиб, 53,4 трлн. сўмга етди. Кредитларнинг 80 фоизини инвестициявий мақсадларга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ташкил

Қайд этиш лозимки, тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 86,8 % ички манбалар ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Бу эса тижорат банкларининг ҳамда умуман, мамлакатимиз банк тизимининг етарли даражада шаклланган ресурс базасига эга эканлигидан ва ҳар қандай ташқи омилларнинг салбий таъсирларидан ҳимояланганлигидан далолат беради.

Ўз навбатида, хорижий молия институтларидан жалб қилинаётган маблағлар, асосан инфратузилма обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурлари бўйича узоқ муддатли лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

1-жадвал.

Тошкент вилояти бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредит йўналишлари тўғрисида маълумот

(2021 йил январ ҳолати)²⁷

	Йўналишлар	Хўжалик увчи субъектлар	Берилган итлар (фоиз)	Нобюджет лағлари кредити		Қарор асосида илган кредит	
				Хўжалик увчи экслар	Берилган итлар (фоиз)	Хўжалик увчи экслар	Берилган итлар (фоиз)
1	Қорамол			78	37	760	68,1
2	Иссиқхона қуриш	10	1,3	10	4	0	0
3	Техника сотиб олиш	64	6,4	3	2	61	8
4	Асбоб-ускуна сотиб ш	29	6,6	8	17,8	21	3
5	Уруғлик сотиб олиш	96	6,7	7	5,2	89	7,1
6	Ишлаб чиқариш	86	11	17	19	49	7,7
7	Қурилиш	27	2,4	1	1	26	2,8
8	Бошқалар	58	5,4	13	14	65	3,3
	Жами	1208	100	137	100	1071	100

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилиб бу соҳаларни янада ривожлантириш юзасидан қўйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

- банк фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, унда давлат улуши бўлган банкларнинг устав капиталини камида 500 млрд. сўмгача тубдан кўпайтириш, кўрсатиб ўтилган маблағларни ривожлантиришнинг тармоқ ва ҳудудий дастурлари доирасида иқтисодиёт тармоқларини кредитлашга йўналтириш;
- тижорат банклари томонидан хўжалик субъектларига берилган муаммоли кредитлар таркибини тўлиқ таҳлил қилиш ва уларни соғломлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- тўлов терминаллари билан жиҳозланишини мажбурий бўлган шоҳобчалар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ банк пластик карточкаларидан тўловларни қабул қилиниши бўйича белгиланган талабларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш;
- молиявий хизматлар, истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарурӣ шартшароитларни таъминлаш;
- банк хизматлари кўрсатиш сифатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

²⁷ [Www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) маълумотлари асосида.

– мижозларнинг янги банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, амалиётлар ўтказиш жараёнидаги маълумотлар шаффофлигини ошириш ва банклар таваккалчиликларини камайтиришга қаратиш.

Банк тизимининг ривожланиши, глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиши, кўплаб замонавий ва илғор ахборот технологияларига асосланган банк хизматлари турларининг жорий этилишини инобатга олиб, аҳолининг ундан қийинчиликсиз фойдаланиши борасидаги зарур малакаларини шакллантириб боришлири учун тушунириш чоратадбирлари амалга ошириб бориш:

– банк хизматлари турлари ва уларни тақдим этиш тартиби тўғрисида оммавий ахборот воситаларида кўп сонли мунтазам чиқишларни амалга ошириш;

– аҳолининг мақсадли гуруҳлари учун молиявий саводхонлик дастурларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

– тегишли интернет сайтларида амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати, банк назорати ҳамда банкларнинг молиявий ҳолати ва фаолияти тўғрисида мижозлар олиши зарур бўлган барча масалалар юзасидан кенг кўламдаги маълумотларни жойлаштириб бориш тизимини такомиллаштириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб – қувватлаш борасида яратилаётган имтиёзлар, янгиликлар, қулагиллар пиравардида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётига хизмат қиласи, молиявий ва кадрлар ресурсларининг самарали тақсимланиши, янги иш ўринлари яратишга кўмаклашади, аҳолининг турмуш шароитини яхшилайди, мамлакатимиздаги иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади.